



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI
BUXORO DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
QORI NIYOZIY NOMIDAGI TARBIYA PEDAGOGIKASI MILLIY INSTITUTI
BUXORO INNOVATSIYALAR UNIVERSITETI

**“TURKISTON TARAQQIYPARVARLARI MEROSI: TARIXIY TAJRIBA VA
MILLIYO‘ZLIK”**

**"НАСЛЕДИЕ ТУРКЕСТАНСКИХ ПРОГРЕССИСТОВ:
ИСТОРИЧЕСКИЙ ОПЫТ И НАЦИОНАЛЬНОЕ САМОСОЗНАНИЕ"**

**"TÜRKİSTAN CEDİTÇİLERİNİN MİRASI: TARİHSEL DENEYİM VE
ULUSAL KİMLİK"**

**“LEGACY OF TURKESTANI REFORMERS: HISTORICAL
EXPERIENCE AND NATIONAL IDENTITY”**

MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY KONFERENSIYA

Buxoro shahri, 2024-yil 4-5-oktabr



BUXORO-2024

5-SHO'BA: JADIDCHILIK MILLIY HARAKATINING YANGI O'ZBEKISTONNI QURISHDAGI SIYOSIY VA MA'NAVIY AHAMIYATI.

Амридинова Д. Т. Роль просвещенного общества в защите молодежи от идеологических угроз.....	629
Пардаева М. Д. Алишер Навоий яшаган даврнинг ўзига хос хусусиятлари.....	634
Tuyev F. E. Samarqand viloyati tashqi aloqalarda milliy-madaniy markazlar ishtiroki.....	639
Murtozayev Sh. B. Yoshlar ma'naviy raqobatbardoshligini ta'minlashda g'oyaviy tarbiyaning o'rni	643
Ахмедов Р. П. Закариё Розий илмий-маънавий мероси ва унинг бугунги кун учун аҳамияти	647
Tursunova N. N. Jadidchilik milliy harakatining Yangi O'zbekistonni qurishdagi siyosiy va ma'naviy ahamiyati.....	650
Ахмедов Р. П. Абу Бакр Закариё Розийнинг ижтимоий-сиёсий қараишлари	654
Rizayev N. S. Buxoro jadidlari ijtimoiy-siyosiy qarashlarining yoshlar hayotiy pozitsiyasining shakllanishidagi roli.....	656
Мирзоев Ш. М. Партия, совет ва хўжалик органларининг сув хўжалиги тизимини такомиллаштиришдаги роли.....	661
Sagindykova S.A., Miraliev B. Changes in the field of education and personal development through distance education	665
O'ktamova M. A. Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi asosida jadal taraqqiyot, vatanparvarlik va yangilanish sari.....	669
Shokirov M. R. Milliy-ma'naviy o'zlikni anglash.....	679
O'razov B. B. Yangi O'zbekiston davlatining modernizatsiyasi va yoshlarga doir siyosatida mafkuraviy profilaktika masalalari.....	683
Асрарова М.У. Муҳаммад Болтаев - маърифатпарвар ислохотчи	686
O'razov B. B. Antik falsafada erkinlik g'oyasi takomili.....	691
Bozorova M. A. Cho'lpon she'riyatini o'qitishda ularda ifodalangan allyuziyalarni tahlil etishning ahamiyati.....	695
Jumayeva F. F. Xoja Ahror Valiy tasavvufiy g'oyalarining o'zbek milliy qadriyatlarining rivojlanishidagi ahamiyati.....	699
Ismatov Sh. M. O'rinov O'. N. Xoja Ahror Valiy merosining o'rganilishining o'ziga xos xususiyatlari	703

ЗАКАРИЁ РОЗИЙ ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ БУГУНГИ КУН УЧУН АҲАМИЯТИ

Ахмедов Руфат Пирматович
БухДУ тадқиқотчиси

Розий ўрта аср Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари фалсафасида мавжуд бўлган таълимотларнинг бирортасига боғлиқ бўлмаган ҳолда борлиқ ва унинг моҳияти ҳақида ўз мустақил таълимотини яратган. Унингча, борлиқ — ягона бир-бирига бўйсунмаган 5 мустақил бошланғич моҳият (яратувчи, жон, вақт, макон, материя)дан вужудга келган. Буларнинг ҳар бири борлиқнинг вужудга келиши ва мавжуд бўлиб қолишида “зарўрий вужуд”ларни Розий материя, макон, замонни яратувчи ва жон билан бир хил зарурий моҳият деб ҳисоблаб, моддийликни илоҳийликка, илоҳийликни моддийликка бўйсундирмади. У ўз даврининг йирик табиатшуноси сифатида моддий олам ҳодисалари ва жараёнларини материя ва унинг хусусиятлари билан изохлашга ҳаракат қилди, ўз натурфалсафий қарашларида маълум даражада илмий нуқтаи назарга яқинлашди.

Ўрта аср фалсафаси учун эришган энг катта ютуқларидан бири — Розийнинг нарсалар моддий атом зарраларидан тузилгани ҳақидаги таълимоти. Розий Демокрит ва Эпикур атомистик таълимотини ўрта асрларда биринчи марта қайта тиклади. Унингча, материя дастлаб “бўлинмас зарралар (атом) ҳолатида бўлади”, улар „оғирлик ва танага эга“, “моддий зарраларнинг бўшлиқ зарралари билан қўшилиши” натижасида 4 унсур: тупроқ, сув, ҳаво ва олов пайдо бўлади. Атомларнинг моддийлиги, абадийлиги ва объективлиги туфайли улардан вужудга келган моддий олам ҳам объектив ва абадийдир. Розий зарраларнинг ўз-ўзидан ҳаракати масаласини тушунмади ва муайян нарсаларнинг вужудга келиш жараёни асосида материя ётса ҳам, бу жараён жоннинг материяга интилиши ва у билан бирикиши туфайли юз бериши ҳақидаги дуалистик нуқтаи назарда туради.

Закариё Розийнинг фалсафий ва ахлоқий қарашларини кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш бу инсониятнинг ахлоқий тафаккури тарихида муҳим воқеа бўлганлигини таъкидлаш учун асос беради. Ушбу фаннинг энг муҳим муаммоларини ишлаб чиқишда Розий расмий ислом дини доирасидан ташқарига чиқиб, одамларнинг ҳақиқий амалий ҳаётига эътибор қаратган ҳолда (рационалистик этика) яратишга интилган.

Унинг ахлоқи, биринчи навбатда, адолат, ҳақиқат, ақл, завқ ва рух ҳақидаги фан бўлиб, ҳақиқий ҳаётнинг энг юқори қадриятидир.

Розийнинг ахлоқий қарашларида антик даврнинг фалсафий анъаналари давом қилган. Мутафаккир инсонни онгли ва ижтимоий мавжудот сифатида кўриб чиқиб, бу борада қадимий юнонларнинг таълимотларига асосланган.

Шарқнинг буюк олими Розий шифокор сифатида дунё миқёсида шуҳрат қозонди. Унинг тиббий асарлари XI асрда Европа халқлари тилларига таржима қилинган ва тиббий амалиётда кенг қўлланилган. Бироқ, Абубакр Розий фалсафаси ва ахлоқининг баъзи ўзига хос хусусиятлари сақланиб қолмаган, фақат унинг фалсафий ва ахлоқий асарларининг алоҳида қсмлари мавжуддир.

Мутафаккир дунёқарашини шакллантиришнинг ижтимоий, сиёсий, тарихий, маданий шарт — шароитларини таҳлил қилиш, таққослаш ва ўрганиш шуни кўрсатадики, аллома ўзининг илмий фаолиятида ўз даврининг барча манбаларидан фойдаланган. У ислом илми ва цивилизацияси энг юқори ривожланиш ва тараққиётга эришган даврда яшаган. Буюк исломий олимлар бу вақтга келиб минглаб илмий асарларни юнон, сурия, паҳлавий ва санскрит тилларидан араб тилига таржима қилиб, уларни фалсафа ва илоҳиётнинг кўплаб тарафдорларига тақдим қилиб улгуришганди.

Розий асарларини ўрганиш шуни кўрсатадики, мутафаккир ўзидан олдин яшаган олимларнинг асарлари билан жуда яхши таниш бўлган ва ўз асарларида уларнинг ғояларидан моҳирона, ижодий фойдаланган. Машҳур эронлик олим Маҳди Муҳакикнинг ёзишича, Розий ўзининг “Алҳави Фит тибб” китобида ўнлаб олимлар, хусусан Гален, Гиппократ, Ибн Сарабиюн, Табарий, Руфас, Ибн Масавия, Шамъун, Арибоис, Архежонс, Жорж, Булис, Фелгургус, Александр, Исҳоқ, Ибн Аллжаложа, Кинди, Хунайна, Темовса, Бадегурис, Салмавия, Ибн Батрика ва бошқаларни тилга олган. Бундан келиб чиқадики, Розий ўз ижодида мусулмонлар, христианлар, яҳудийлар, зардуштийлар ва ҳиндларнинг энг машҳур асарларига мурожаат қилган.

Мутафаккир дунёқарашида зардуштийлик, эпикуризм, манавия, мутазилийлик, қадарийлик, неоплатонизм, маздакийлик, қадимги Юнонистоннинг табиий фалсафаси, ашаризм ва бошқалар каби оқимларнинг таъсири аниқ кузатилган. Бошқача айтганда, унинг фалсафий, сиёсий, ижтимоий ва ахлоқий қарашлари ўтмиш

мутафаккирлари ғоялари таъсири остида шаклланган. У ўз даврининг манбаларидан фаол фойдаланган.

Розий ҳаёти ва илмий ижодини ўрганиш бўйича бебаҳо манбалар Ибн Надимнинг “Ал феҳраст” китоби ва Абу Райҳон Берунийнинг “Феҳрасти мусанафоти рози” китоби ҳисобланади. Унинг шахсий ҳаёти ҳақида баъзи маълумотларни унинг “Фалсафий турмуш тарзи” рисоласида топиш мумкин.

Ушбу ва бошқа тарихий манбалардан маълум бўлишича, Розий фалсафа, тиббиёт, илоҳийёт, ахлоқ, астрономия, физика ва кимё бўйича кўплаб китоблар ва мақолалар ёзган. Уларнинг аксарияти, афсуски, бизнинг вақтимизгача етиб келмаган. Баъзи манбаларга кўра, бизнинг давримизга қадар унинг 61 та асарлари сақланиб қолган, фақатгина “Мънавий тиббиёт” ва “Фалсафий турмуш тарзи” тўлиқ етиб келган. Унинг ҳаёти давомида унинг қарашларига қарши бўлганларнинг ғазабини қўзғатган бошқа асарлари ёқиб юборилган, мутафаккир эса политеизм, яъни кўпхудоликда айбланган.

Розийнинг фалсафий дунёқарашини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, унинг фалсафий тизимида борлиқ масаласи қадимги Юнонистон файласуфларига мос равишда ҳал қилинган. Унинг дунё борлиги ҳақидаги таълимоти аниқ материалистик хусусиятга эга. Абуҳотам Розий, Носир Хусравий, Қози Саъди Андалусий, Али Ибн Муҳаммад Джуржоний ва бошқа шу каби идеалист файласуфлар унинг таълимотини рад этишлари бежиз эмас. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, Розийнинг дунёқараши баъзи номувофиқликлар билан ажралиб туради. У қуйидагича ифодаланади: файласуф материя ва мавжудлик шакллари (вақт, макон, ҳаракат) билан бир қаторда руҳни ҳам қадимий ва абадий модда субстанция тан олади (руҳ инсоннинг энг юқори қобилиятидир ва инсонсиз тана мустақил равишда мавжуд бўлолмайди).

Розий қарашларидаги баъзи номувофиқликлар унинг тарихий аҳамиятини пасайтирмайди. У Шарқда ва ҳатто Ғарбда эркин фикрни ривожлантириш ва тарғиб қилишда катта рол ўйнади. Файласуф томонидан дунёни билиш масалаларини ҳал қилиш ҳам баъзи ички келишмовчиликларга эга. Масалан, мутафаккир ақл ва ҳис-туйғуларни дунёни билишнинг иккита муҳим босқичи деб билади ва бу ерда у материалист сифатида намоён бўлади. Онгни Худонинг инъоми сифатида тан олиб, у ўзини идеалист - мутафаккир сифатида намоён этади.

Розий ўз қарашларида инсониятни ахлоқий меъёрлар ва қоидаларга риоя қилишга чақирга ва одамларнинг бахти ва фаровонлиги уларнинг олижаноб ҳаракатларига боғлиқлигини алоҳида айтиб ўтган. У одамларнинг кўплаб салбий хусусиятларини таҳлил қилиб, уларга ахлоқий фазилатларни қарама-қарши қўяди, ўз фикрларини ҳаётдан мисоллар билан исботлайди.

Мутафаккир одамларнинг салбий хусусиятларини таҳлил қилиб, уларнинг ёмон оқибатларини очиб бериб, одамлар кундалик ҳаётда содир бўладиган ёмон мисолларга риоя қилмасликлари керак, аксинча, донолик сабоқларини олишлари ва инсон онги билан ҳаракат қилишлари керак, деб таъкидлайди. Мутафаккир асарларидаги ахлоқнинг барча тоифалари учта асосий тоифага қараб таҳлил қилинади: онг, руҳ ва эҳтирос.

Хулоса қилиб айтганда, Закариё Розийнинг ахлоқий мероси айни бугунги кунда ҳам долзарбдир. Унинг таълимоти ёш авлодни ва умуман жамиятни тарбиялашда фаол қўлланилиши мумкин. Албатта, биз аллома яшаган даврдан фарқ қиладиган бошқа даврда яшайпмиз. Шунга қарамай, исёнкор руҳни тарбиялашда ва унинг онгга бўйсунishiда, одамларнинг олижаноб фазилатларига эришиши борасида буюк қомусий олим Розий ўзининг ноёб фалсафий таълимоти ва беқиёс ахлоқида кўрсатган усуллардан фойдаланиш мумкин.

JADIDCHILIK MILLIY HARAKATINING YANGI O'ZBEKISTONNI QURISHDAGI SIYOSIY VA MA'NAVIY AHAMIYATI

Tursunova Nargiza Najmiddin qizi
BuxDPI, Ijtimoiy fanlar kafedrasi magistranti

Annotatsiya. Ushbu maqola asosan, Jadidlar milliy harakatining tarixdagi beqiyos o'rni va ularning Turkiston xalqi hayotiga qo'shgan hissasi o'laroq, bu harakatlarning hozirgi Yangi O'zbekistonimizning buguni va kelajagi uchun ham siyosiy ham ma'naviy-axloqiy ahamiyatiga bag'ishlanadi.

Kalit so'zlar. Jadid, maorif, Yangi O'zbekiston, ma'naviy hayot, Jadidlar milliy harakati, taraqqiyot.